



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2010 йил
24 апрель
ШАНБА
№ 32
(12.252)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

КУЛАЙЛИК



ЯҚИН, АРЗОН ВА КАФОЛАТЛИ

Юқоричирчиқ туманидаги 6 та қишлоқ врачлик пунктида дорихоналар очилган. Аҳоли Ўзбекистон, Жумабозор, Жамбул, Туркистон, Олга ҳамда Дўстлик қишлоқ врачлик пунктларидаги дорихоналар хизматидан мамнун.

Яқинда Гулистон, Саксонота ва Тўқимбойдаги шифо масканларида дорихоналар иш бошлади. Келгусида эса, Наврўз ва Қангли ҳудудларида ҳам дорихоналар очилди.

Менга шифокорлар 3 йил илгари хафаконлик

касалиги таъхисини қўйишган эди, — дейди Жумабозор қишлоғида яшовчи Эркебой ота Турдиқулов. — Вақти-вақти билан буюрилган доридармонларни қабул қилиб туришим керак. Илгари битта дори учун 3 километр йўл босиб,

марказга бориб келардим. Ниҳоят, ёнгинамиздаги қишлоқ шифокорлик пунктида дорихона очилиб, мушкулларимиз осон бўлди.

Собира Утильбоевнинг айтишича, бундай дорихоналарда дори-дармонларнинг нархи арзон

экан. Қолаверса, уларнинг тури ҳам кўп.

Дўстлик қишлоқ врачлик пунктидаги дорихонада даставвал ойига 1 миллион сўмлик савдо қилинган бўлса, терминал ўрнатилган, савдо ҳажми икки баравар ортди.

Хурида НАЗАРОВА.

СУРАТА: Дўстлик қишлоқ врачлик пункти дорихонаси ходимаси Доно Мирбобоева аҳолига хизмат кўрсатаётганидан мамнун.

Даврон АХМАД олган сурат.

TRANSPORT

«ИСУЗУ» ЖОННИНГ РОҲАТИ ЭКАН

Бекатга янги «Исузу» русумидаги автобус келиб тўхтади. Йўловчилар биринчи автобустга чиқишди. Кекса бир отахон ўриндиққа жойлашиб ўтирар экан, ёнидаги ҳамроҳига юзланди:

— Чирчиқ йўналишига шинам автобуслар қўйилгани нур устига нур бўлди-да, илоё барака топишсин. Йўлнинг узоқлиги сезилмайди, бир зумла манзилга етказиб қўяди.

— Ҳақ гапни айтдингиз, — деди ёнида-

ги ҳамроҳи. — Сиз Чирчиқни айтасиз, яқинда Паркентга ҳам шундай қулай автобусда борим. Қизимизни Паркент томонга узатганмиз. Шу боис, тез-тез у ерга қатнаб тураимиз. Илгари янги-бозор орқали йўналишни тақсима борардик. Ҳозир «Машинасозлар-Паркент» йўналишида ҳам шундай янги «Исузу» автобуслари қатнаётти. Энг муҳими, аҳоли сарсон бўлмаяпти. Тунов куни невараларимнинг ўзлари келишибди, қулай-да...

Бугун вилоятимизнинг хоҳлаган туман ва шаҳарларида шундай илқ гапларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу вилоятимизда йўловчи таъминоти тобора ривожланиб бораётганидан далolat беради, уларнинг барчаси соҳага, хусусий секторнинг кенг

жалб этилиши, қолаверса, «Тошвилтранстерминал» уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ўртасидаги изчил ва самарали ҳамкорлигининг натижаси. Бу бо-

рада республика Президентининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар таъминотида йўловчилар таъминотида оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айлани муҳим бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда онгини ошириш демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида муҳим вазифалардан этиб белгиланган.

ҲУҚУҚНИНГ ЁШ БИЛИМДОНЛАРИ

Ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида «Ҳуқуқ билимдонлари» республика танлови ташкил этилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Мазкур беллашув лицей ҳамда коллеж ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуни бора-расидаги билимини мустаҳкамлаш, ёшларда эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда энг зукко талабаларни аниқлаш ва рағбатлан-

тиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг худудий босқичида Тошкент шаҳрининг «Баркамол авлод» ҳамда Тошкент вилоятининг «Адолат» жамоалари ўзаро куч синашди. Унда Тошкент шаҳрининг «Баркамол авлод» гуруҳи ғолиб чиқиб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ў.А.

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИ КОРХОНА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланган замонавий корхона сони тобора ортмоқда.

Янгийўл туманида иш бошлаган «Billur teks» масъулияти чекланган жамияти улардан бири. Бу ерда ўндан ортқ моделдаги болалар ва катталар кийимлари ишлаб чиқаришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки молиявий кўмакда ташкил этилган мазкур корхона энг замонавий техника ва технология билан жи-

ҳозлангани юсак иш унумдорлиги, маҳсулотнинг юқори сифати, рақобатбардошлиги ва харидорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Асосан буюртма бўйича ишлаймиз, — дейди «Billur teks» масъулияти чекланган жамияти директори Даврон Махситов. — Бу тайёрланган маҳсулот оғиркорхонада тўпла-ниб қолишининг олдини олади. Айни кунларда ишлаб чи-

қарилаётган бежирим либослар Россия ва Туркияга экспорт қилинади.

Юз фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаётган мазкур корхона ишга тушиши билан етимиз нафарга яқин киши доимий иш ва даромадга эга бўлди. Уларнинг аксарияти ёшлар. Мастура Қўчқорова — улардан бири.

— Уйимизга яқин жойда очилган ушбу корхонага ишга кирганимдан хурсандман, — дейди Мастура. — Бу ерда касб-хунар коллежида эгаллаган билим ва малакам, бичиштиришга бўлган қизиқишим янада ортди. Самарали мех-

нат қилиш, дам олиш учун барча шарт-шароит яратилган. Ишга келиб-қетишимиз учун махсус транспорт ажратилган.

Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини мутта-сил ошириш, маҳсулот турларини доимий янгиллаб бориш борасида изланиш олиб бораётган корхона раҳбарларининг айтишича, яқинда пахтадан ип-калава ишлаб чиқариш, бўяш билан боғлиқ бошқа цехлар ҳам ишга туширилади. Бошқача айтганда яна ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.

Холмурод САЛИМОВ, Ў.А. мухбири.

2010 йил — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР — ЮРТ ФАХРИ

Йил дастури ижроси доирасида вилоятимизда олиб борилаётган кўламли ишлардан бири — маънавий-маърифий тадбирларнинг мунтазам ўткази-лаётганлиги ҳар соҳада фаол, интилувчан ёшлари-мизнинг баркамоллик пиллапояларидан далил кўтарилишида муҳим омил бўлмоқда.

Вилоят ва Чирчиқ шаҳар ҳокимликлари хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида шаҳардаги Ахборот-технология ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўлиб ўтган иқтидорли қизлар анжумани ҳам турли

соҳаларда муваффақиятли ижод қилиб келаётган гайрат-шижоатли, изланувчан қизлар иқтидори ва истеъдоди намоиёшига бағишланди. Одатда аёллар, хотин-қизларни гулга қиёс қилишади. Бу беҳиз эмас. Коллеж ҳовлиси-ю, фойе-

сига, томоша залига гўё турфа гуллар сочилган. Улардан ҳаёт, гўзаллик, яшаш, яшариш ифори таралади. Қизлар яратган аjoyиб ижод намуналарини кўриб лол қолмай илож йўқ. Кўргазмага қўйилган миллий руҳдаги тикувчилик, каштачилик, тўқувчилик, меъморчилик, гиламдўзлик намуналари, мунчоқдан ясалган турли кийим-бош ва жиҳозларни кўриб, завқинг тошади.

Айниқса, коллежнинг

«Мактабгача таълим йўналиши»да таҳсил олаётган Дилноза Бобоқулованинг рассомлик, тикувчилик, каштачилик, мунчоқ билаш ишлаш каби йўналишлар уйғунлигида тайёрланган Ўзбекистон Давлат герби «Ўлкамизда баҳор» асари кишини ҳайратга солади. Унда акс этган ҳар бир унсурда чексиз меҳр-муҳаббатга йўғрилган Ватан туйғуси ифодаланган.

(Давоми 2-бетда).

ИФТИХОР

ДУНЁ БОЛАЛАР СПОРТИГА БИЗНИНГ НИГОҲ БИЛАН ҚАРАМОҚДА

Мустақиллиқнинг илк йиллариданоқ юртимизда жисмоний тарбия ва спортга, айниқса, болалар спортига жиҳдий эътибор қаратилгани боис, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, келажакка ишончини мустаҳкамлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш имконияти пайдо бўлди. Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тўғрисида»ги Фармони эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. 2002 йилнинг 24 октябрида қабул қилинган мазкур муҳим ҳужжат мамлакатда спортни қўйи бугундан юксалтиришнинг яхлит тизимини яратиш имконини берди. Энг муҳими, ушбу фармон туфайли илгиллаб ёшларимиз жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этилмоқда.

Бугун нафақат шаҳарлар, балки, энг чекка қишлоқларимизда ҳам бир-биридан кўркам спорт майдонлари замонавий талаблар асосида бунёд этилди, борлари таъмирланди. Албатта, бу эзгу ҳаракат Баркамол авлод йилида ҳам жадал давом этмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидла-

нафаргина ёшлар чет элларда уюштирилган мусобақаларда катнашардилар, холос. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши натижасида эса ҳар йили 1000 нафарга яқин ёш спортчиларимиз нуфузли халқаро спорт анжуманларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қила бошладилар.

Агар бундан 15 йил муқаддам мамлакатимизнинг аксарият ҳудудларида халқаро мусобақалар у ёқда турсин, республика доирасидаги турнирларни ўтказиш учун ҳам шароитлар яратилмаган бўлса, бугунга келиб, нафақат йирик шаҳарлар, балки энг чекка туманлардаги замонавий спорт мажмуалари-мизда ҳам нуфузли чемпионатларни бемалол ташкиллаштириш имконияти мавжуд.

2003-2008 йилларнинг ўзида жамғарма томонидан мамлакатимизда 895 та болалар спорт иншоотлари барпо этилгани ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди. Фойдаланишга топширилган спорт мажмуаларининг 71 фоизи эса қишлоқ ҳудудларида тўғри келади. 2009 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 90 фоизга етганлигини назарда тутсақ, бу ишлар нақадар пухта ўйланиб амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.

Шу ўринда мамлакатимизда спорт жиҳозларини ишлаб чиқариш ишлари бутунлай янги босқичга кўтарилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар 2004 йили 120 номдаги спорт анжуманларининг 47 тури хориждан келтирилган бўлса, 2005 йилдан бошлаб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 104 номдаги анжумлар ишлаб чиқарила бошланди. Бугунга келиб эса 118 номдаги спорт инвентарлари маҳаллий корхоналарда тайёрланмоқда.

Ана шундай шарт-шароитлар туфайли мамлакатимизда нафақат спорт инфратузилмаси, балки халқаро спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар авлоди ҳам шаклланди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда жорий этилган болалар спортини ривожлантириш тизими қатор ривожланган давлатлар эътиборини ҳам тортаётганини ва кўпгина мамлакатларда ёш авлод-ни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишда «Ўзбек модели» асосида эътибор қаратилаётганини барчамизни бениҳоя қувонтиради. Ҳозирги вақтда бир қатор халқаро спорт ташкилотлари ҳам Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббусларини мамнуният билан қўллаб-қувватламоқда, эътироф этмоқда. Хусусан, шу йил Сингапурда Осиё олимпия кенгаши томонидан ташкил этиладиган ёшлар ўйинлари ва келгуси йили халқаро олимпия кўмитаси томонидан ўтказиладиган ёшларнинг Олимпия ўйинлари ҳам жаҳонда болалар спортига ўзбекна муносабат, эътибор пайдо бўлаётганидан далolatдир.

Шоҳрух ҲАКИМОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

**ЎЎЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш
аукцион савдосига тақлиф этади!**

24 апрелдаги аукцион савдосига сотилмаган дидра, автотранспорт воситаларининг тақририй аукцион савдолари 2010 йилнинг 3 май ва 10 июни кунилари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдинд маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтаилади.

Маъзур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган зақал қилишувига асосан объект бошлангич баҳосининг фозилдан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини РКМБнинг ОАИББ "Йлпак йули банки"нинг Шарф ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари савдо 20210000300571452114, МФО 01036, ИИН 200933850. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов

